



Тасдиқлайман
Тузпроққалъа туман Хоқими ўринбосари
З.Матчанов

Техник топширик

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Сотиб олинаётган материал тури	«Аёллар дафтари»га киритилган фуқораларга уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш
2	Буюртмачи	Тузпроққалъа туман Хоқимлиги
3	Тижорат таклифлари тақдим этиш шартлари	1.Солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот ва банкдан картатека-2 да қарздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома . 2.Оферант тўғрисида умумий маълумот.3,Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи).
4	Бажарилган ишлар ҳисоб китоб	тулов пул утказиш йули билан ,ҳисоб фактура асосида белгиланган тартибда туланади
5	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари
6	Танлов тили	ўзбек тилида
7	Шартнома валютаси	Миллий валюта сумда
8	Танлов таклифини қабул қилиш	таклифлар эълон қилинган пайтидан бошлаб
9	Танлов тугрисида маълумот	https://etender.uzex.uz да жойлаштирилди

Тасдиқлайман
Тупроққалъа туман Ҳокими ўринбосари

З.Матчанов



Танлов хужжати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги "Хотин-кизлар муоммоларини ўрганиш ва хал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 145-сонли қарорига асосан «Аёллар дафтари»га киритилган фуқораларга уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш буйича

Танлаш бўйича техник шартлар

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун қуйидагича:

Тўловлар сўмда амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов иштирокчиси таклифини фақат ўзбек тилида тақдим қилсин.

Ҳужжатларни асл ҳолидагидек жойлаштиришни талаб этамиз.

Техник топширик.

Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбур.

Бюджет ташкилотимиз харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.